



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 31 июль, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 150 (12.461)

Баҳоси эркин нарҳда



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Наманган шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган маданий-маънавий тадбирлар дастури доирасида вилоят ғаллакорлари меҳнатини шарафлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда бир гуруҳ пешқадам ва фидойи ғаллакорлар ҳамда уларга кўмакдош бўлган идоралар, ташкилотлар ходимларига қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

• Навоий вилоятида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестиваль доирасида қатор лойиҳалар тақдимотлари, интеллектуал мусобақалар, спорт беллашувлари, давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар ва расмлар танлови ўтказилди.

• Самарқандда Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда «Меҳр нури» хайрия жамғармасининг ижтимоий лойиҳаларига бағишланган ташкилий-амалий тадбирлар ўтказилди. Тадбир иштирокчилари форум кўмагида иш бошлаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

• Фарғона шаҳрида янги Болалар истироҳат боғи фойдаланишга топширилди. Мазкур маданият маскани Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида болажонлар учун муносиб тўхфа бўлди. Болалар истироҳат боғида ўғил-қизларнинг мазмунли дам олиши учун барча шароитлар яратилган. Замонавий аттракционлар, автодром, спорт машғулотлари заллари, сув ҳавзаси, сунъий копламали футбол майдони уларнинг ихтиёрида. Ранг-баранг фаввора барчага хуш кайфият бағишлайди.

ЖАҲОНДА

• Япониянинг машҳур Sony ва Panasonic компаниялари камида 300 Гб ҳажмли оптик дискини ишлаб чиқиш умумий мақсадига эришиш учун ўзларининг барча саъй-ҳаракатлари ва технологик ишланмаларидан ҳамкорликда фойдаланишга келишиб олдилар. Ҳозирда ҳар иккала компания профессионал тарзда фойдаланишга мўлжалланган оптик диск янги авлодининг ўзига хос хусусиятлари ва ўлчамлари юзасидан музокараларни давом эттирмоқдалар.

• Ўтган ҳафтада Испанияда юз берган ва кўплаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлган поезд ҳалокати бўйича бутун айбни ушбу поезднинг машинисти ўз бўйига олди. Тергов пайтида у ушбу фожиа ўзининг хатоси орқали юз берганлигини тан олди.

• Шимолий Корея маъмурлари агарда «Кэсон» sanoat мажмуаси тақдири бўйича Сеул билан ўтказилаётган музокаралар муваффақиятсиз якунланадиган бўлса, ушбу алоҳида ҳудуддаги мавжуд корхоналар ҳарбийлар ихтиёрига берилишини таъкидлашди.



УЧТЕПА ТУМАНИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



Тарихан қисқа фурсатда қўлга киритган улкан ютуқларимиз салмони, мазмун ва моҳияти билан асрларга татигулик эканлигини бутунги кунда бутун жаҳон аҳли тан олмоқда.

Бу эртанги кунимизнинг янада нурафшон бўлишидан, юртимиз осмонидан саодатли кунлар кўеши мангу порлашдан далолатдир. Истиқлолимизнинг йигирма икки йиллик қўлғуси санасини шахримиз туманлари ўзига хос янгиликлар ила қаршиламолда. Учтепа туманида ҳам мустақиллигимизнинг муборақ санаси муносиб ютуқлар билан қўтиб олинмоқда.

Учтепа тумани Чилонзор, Шайхонтоҳур ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота тумани билан чегарадош ҳудудда жойлашган бўлиб, туман аҳолиси 249,8 минг кишини ташкил қилади. Туман ҳудудида 53 та маҳалла мавжуд бўлиб, шулардан 17 таси кўп қаватли уйлاردан иборат.

33 та мактаб, 50 та мактабгача таълим муассасалари, 11 олий ва ўрта махсус ўқув юртли, 5 та болалар ва ўсмирлар спорт мажмуаси, 3 та музика ва санъат мактаблари, битта «Баркамол авлод» маркази, бешта шифохона, олти та оилавий поликлиника бүгунги кунда туман ҳудудида самарали фаолият юритмоқда.

Кейинги пайтларда маънавий-маърифий ишлари амалга ошириш, ижтимоий инфратузилмаларни ривожланти-

риш, кўп қаватли уй-жойларни тартибга келтириш ва маззеларни ободонлаштириш, кам қувватда ишлаётган корхоналарнинг фаолиятини тиклаш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳолини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини нархларини мувофиқлаштириш бўйича қатор ишлар олиб борилди.

Туманнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш борасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, туман иқтисодиётида ўсиш суръатлари таъминланиб муайян силжишларга эришилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида ўсиш 111,3 фоиз, истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 121,5, асосий капиталга инвестициялар киритиш ҳажми 138,3 пудрат ва қурилиш ишлари ҳажми 114,8 фоизни ташкил қилди. Чакана савдо айланмаси 113,2 фоизга тенг бўлди.

Бундай ютуқларга эришишда «Элит глобал пласт», «Нафис мебель», «Тотли кулча», «Фарангиз лази», «Аннур текс» масъулияти чекланган жамиятла-

ри жамоаларининг ҳиссаси катта бўлди. Айтиш жоизки, туманда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларида ўсиш ҳолатлари, асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобига тўғри келади.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ 2013 йил январь-июнь ойларида 3852 та янги иш ўринлари яратилди ва бу борадаги режа 100 фоизга бажарилди. Бунда кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобига 2620 та, яқна тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 650 та, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига 130 та, ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига 85 та ва қасаначилик ҳисобига 57 та янги иш ўринлари яратилди.

Тумандаги 22 та маҳаллаларда намунали маҳалла гузари ташкил қилинди. «Бонистон» маҳалласи ҳудудида битта болалар майдончаси қурилди. Шунингдек, «Кўҳна Чўпонота» маҳалласи ҳудудидаги 6,7,8-уйлар олдидаги майдончалар таъмирланди.

Хулоса қилиб айтганда бўлса, ун-тепалар Истиқлолимизнинг йигирма икки йиллик қўлғуси тўғрисида ҳар бир соҳада улкан ютуқлар билан қўтиб олишга шайланишган.

(Учтепа туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

ВАТАН МЕҲРИ БИЛАН ЙЎҒРИЛГАН ҚЎШИҚЛАР

Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги саралаш босқичи бўлиб ўтди.

ҳис этиб яшаш бизнинг чин фарзандлик бурчимиздир, — дейди Навоий шаҳридаги маданият ва санъат коллежининг иккинчи курс ўқувчиси Хумора Муҳаммадулова. — Бу жиҳатлар кўрик-танлов учун тайёрлаб келган «Ватан меҳри» кўшиғимда ҳам ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Рамиз Усмонов танловда биринчи ўринни эгаллади ва унинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигида мустақиллигимизнинг


22 йиллигига бағишлаб «Қутлайман юракдан, жон Ўзбекистон!» мавзuida маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Бадиий

академиясида «Тошкент: кеча ва бугун» деб номланган кўргазма очилди.

✓ **БУГУН** Тошкент политехника касб-хунар коллежида «Мус-

тақиллик — энг улуг неъмат» шиори остида ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш юзасидан давра суҳбати ўтказилди.



УЧТЕПА ТУМАНИ:

ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА



Маҳалланг — ота-онанг

ИСТИҚЛОЛГА
ТУҲФА МАСКАНЯқинда Абдулла Қодирий номидаги
маҳаллада янги гузар очилди.

Кўркам ва шинам масканнинг қок ўртасидаги фаввора ва турли тошлар билан безатилган шаршара бетактор қиёфаси билан барчанинг эътиборига сазовор бўлмоқда. Маҳалла қариялари ва ёшлари учун ташкил қилинган тўрт кишилик жойлар ҳарид толар билан ўраб олинган бўлиб, бу ҳам дам олувчиларда алоҳида ёқимли таассурот қолдиради.

— Маҳалламизда урф-одат ва аъёнларимизни эъзозлаш, улар замирида тинч ва оқилол ҳаёт кечириш, кўчалар ва уйлари атрофини тоза сақлаш асосий вазифаларимиз сирасига киради, — дейди Абдулла Қодирий маҳал-

ласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Тожиой Саипова. — Бизда катталар хурматда-ю, кичиклар иззатда, энг муҳими, бир-биримизга бўлган меҳр-оқибат туфайли маҳалламиз тинч ва фароғатли ҳаёт кечирмоқда. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хонадонлардаги ўзаро аҳиллик ва бирдамлик, миллий қадриятларимизни қадрлаш маҳалла фаоллари зиммасидаги асосий масалалардан биридир. Маҳаллада янги гузар-

нинг очилиши катта тантангага айланди. Бу кўркам гўша ҳам Истиқлол берган неъматлар сирасига киради. Маҳалла аҳлининг оилавий тадбирларини ўтказадиган ва ҳамманинг сеvimли масканига айланган гузарда барча шарт-шароитлар мужассам.

Абдулла Қодирий маҳалласида бугунги кунда 20 та кўча мавжуд бўлиб унда уч минг 400 нафар фуқаролар истиқомат қилмоқда. Истиқлолнинг ҳар бир йили маҳалла ҳаётида ўчмас из қолдиришмоқда. Ёшлар саводхонлигини ошириш, тиббий маданиятни юксалтириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, маҳалла ҳамжиҳатлигини янада жипслаштириш мақсадида турли тадбирлар, давра суҳбатлари мунтазам уюштирилмоқда.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида «Ободлик кўнгилдан бошланади», «Ободлик бор жойда барака бор», «Юртинг обод — дилинг обод» ҳақидаги қўғалар, суҳбатлар ўтказиб боришмоқда. Шунингдек, маҳаллада болажонлар учун янги болалар спорт майдончасини қуриш ишлари режалаштирилмоқда.

Тумандаги «Тинчликбод» маҳалласида қад ростлаган «Сhempiон» болалар соғломлаштириш марказининг фаолият бошлаганига бир ой бўлди. Ушбу марказ нафақат маҳалла, балки туман аҳлининг ҳам қувончига қувонч қўшмоқда. 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган болажонларни ўз бағрига қорлаётган ушбу шинам ва кўркам масканда шейпинг, хореография, инглиз тили, гимнастика, футбол ва чўмилиш машғулотлари малакали мутахассислар томонидан олиб борилади.

ЯНГИ МАРКАЗ ҚАД
РОСТЛАДИ

Айниқса очик сув ҳавзаси замонавий қиёфа касб этганлиги билан эътиборга лойиқдир. Унга ҳавони янгилайдиган вентиляция, ҳавза сувини доимий тозалаш тарафидан филтритри махсус қурилмалар ўрнатилган. Кийиниш, ювиниш, тиббиёт хоналари ва тренажёр заллари ва футбол майдончаси зарур анжомлар билан жиҳозланган.

— Сув спорти болалар танасининг тўғри ривожланишига хизмат қилади, юрак ва нафас йўллари фаолиятини ривожлантириб, саломатлиқни мустаҳкамлайди, — дейди «Сhempiон» болалар соғломлаштириш маркази директори ўринбосари Рустам Сангин. — Бир ой ичида Олмазор, Сергели тумани ўсмирлари билан футбол мусобақалари уюштиришга ҳам эришдик. Соғломлаштириш марказимизга келажакда иқтидорли болажонларни қорлаб, ёш спортчиларимизнинг юксак натижаларини кўлга киритишига ҳаракат қиламиз.

Хореография, инглиз тили ва гимнастика, шейпинг тўғрариқлари ҳам болажонлар билан гавжум. Ёшларнинг ота-оналари ва яқинлари учун ташкил қилинган мўъжазгина барда салкин ичимликлар ичиб, енгил тамадди қилиш учун шароитлар яратилган.

Бир сўз билан айтганда, янги соғломлаштириш маскани Учтепа туманида истиқомат қилаётган ёшлар учун самарали хизмат кўрсатмоқда.

Саломатлик

ТИББИЙ УСКУНАЛАР БИЛАН
ЖИҲОЗЛАНДИ

Шаҳар тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиник шифохонаси жамоаси ҳам мустақиллигимизнинг муборак санасини ўзига хос ютуқлар билан қарши олишга шайланган. Айни кунларда аҳолининг саломатлигини яхшилаш, уларни тез ва сифатли даволаш, ташхисни тўғри ва аниқ қўйиш мақсадида шифохонага янги замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди.

Шифохонада ўн иккита бўлим мавжуд бўлиб, уларда 119 нафар шифокор ва 338 нафар ҳамширалар фаолият олиб боради. Пуллик хизматлар йўналиши эвазига стоматология, гинекология, лор, хирургия, юз-жағ жарроҳлиги бўлимлари янги анжомлар билан тўлдирилди.

ЭКГ, УЗД, рентген ва эндоскопия, лаборатория хоналари ҳам замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. 365 ўринли шифохонада бир йилда ўртача қирқ олти минг етти юз нафар беморлар даволаниш имкониятига эга бўладилар.

Тиббиёт муассасасида фаолият юритаётган Назокат Саид-Анварова, Зулфай

Максудова, Муқаддас Саидқаброва каби билимдон ва жонқуяр шифокорлар беморларга самарали ва сифатли хизмат кўрсатишда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

— Инсон саломатлигини асраш, муҳофаза қилиш ва яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир, — дейди шаҳар тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиник шифохонаси бош шифокори Алишер Соатов биз билан суҳбатда. — Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида кенг қўлмалли ислохотларнинг амалга оширилиши негизда инсон саломатлиги биринчи ўринда туради.

Саҳифа материалларини Гулчехра ДУРДИЕВА тайёрлаган
Ислом Исмоилов олган суратлар

АНУМУЛА ГИТЕШ САРМА:
ЎЗБЕКИСТОН
ИСТИҚЛОЛ
ЙИЛЛАРИДА УЛКАН
МУВАФФАҚИЯТЛАРНИ
ҚЎЛГА КИРИТДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик, жумладан, ушбу йўналишдаги қўшма лойиҳалар ҳақида нима дея оласиз? Ўзбекистонда ташкил этилган махсус иқтисодий зоналар ва уларда хорижий сармоядорларнинг иш юритиши учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида қандай фикрдасиз?

— Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда катта салоҳиятга эга давлатлардир. Бироқ айни пайтда бу салоҳиятдан тўлиқ фойдаланилаётми, деб бўлмайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо айланиши 2012 йилда қарийб 201 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Аммо савдо соҳасидаги ҳамкорлигимиз бундан катта имкониятларга эга.

Икки мамлакат ҳам ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш борасида қатор саъй-ҳаракатларни амалга оширишмоқда. Яқин истиқболда, шунингдек, самарали транзит йўлакларини очишнинг инновацион йўлини излаб топишимиз зарур. Ҳиндистон ва Ўзбекистонда турли жабҳаларда, жумладан, ахборот технологиялари, тоғ-кон саноати каби йўналишларда самарали қўшма лойиҳаларни амалга ошириш борасида имкониятлар катта. Сайёҳлик ва фармацевтика соҳалари ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлиқнинг истиқболли йўналишларидандир.

Ўзбекистонда йирик иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши мамлакатимизнинг юксак иқтисодий тараққиётида муҳим омили бўлаётми. Мазкур ҳудудлар салоҳиятли хорижий сармоядорларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Утган йили Ҳиндистон ишбилармонлари «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида бўлиб, у ерда бизнес юритиш учун яратилган кенг имкониятлар ва имтиёзлар билан ақидан танишди. Ҳиндистон-МДҲ Савдо палатаси жорий йилнинг сентябрь ойида Тошкентда кўргазма-ярмарка ўтказишни режалаштирмоқда.

— Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги маданият, таълим ва ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикрингиз?

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг май ойида Ҳиндистонга давлат ташрифи асосида Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Жорий йилнинг май ойида эса Ҳиндистон Республикаси вице-президенти Ҳамид Ансорий расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Мазкур ташриф ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларга янги раҳл бағишлади. Мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасида юксак даражадаги ўзаро аниқлашув ва мустаҳкам ишонч мавжуд. Ўзаро муносабатларимизнинг қўламини кенг бўлиб, бу алоқалар халқларимиз ўртасидаги яқинлик ва дўстлик тамойиллари асосида қарор топган.

Шунингдек, қайд этишни истардимки, айни пайтда Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида ахборот технологиялари соҳасида қатор қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Мамлакатларимиз бундай фаол ва самарали ҳамкорликдан нафаддор. Ахборот технологиялари жабҳасини жадал ривожлантиришнинг энг муҳим талаби малакали кадрларга эга бўлишдир. Ўзбекистон — билимли ва иқтидорли ёшлар юрти. Ҳиндистоннинг бир қатор компаниялари мазкур йўналиш бўйича Ўзбекистонда ўз бизнесини йўлга қўйишга катта қизиқиш билдирмоқда.

— Самарқандда ўтказилган IX «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида иштирок этадиган Ҳиндистонлик санъаткорлар тўғрисида билимқизи эдик.

— «Шарқ тароналари» фестивали йирик халқаро мусиқа анжуманига айланди. Ушбу фестивал рағбат-баранглиги ва бетакорлиги билан бутун дунёга доғдуқ таратган. Мазкур нуфузли анжуманда Ҳиндистонлик санъаткорларнинг иштироки аънавага айланган жуда қувончлиқ. Бу гап ушбу халқаро мусиқа тадбирида Рашми Аггарвал хоним раҳбарлигидаги Ҳиндистоннинг муштор мусиқа гуруҳи иштирок этиши режалаштирилмоқда. Яна шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, айнан мусиқа узоқ йиллик тарихга эга Ҳиндистон ва Ўзбекистон алоқаларининг шаклланишида ва тараққиёти этишида, халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг бардавом бўлишида муҳим ва ўзига хос восита бўлиб хизмат қилаётми.

Ирода УМАРОВА
ёзиб олди

«Шарқ тароналари — 2013»

ЯНА ЯНГРАР ШАРҚ ТАРОНАСИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида
«Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа
фестивалини ташкил этиш масалаларига
бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

«Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивали иж- рочи директори Тўрабек Махмудов, Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияси масъул котиби Алишер Икромов, Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори Оқилхон Иброҳимов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилиб, 1997 йилдан буюн Самарқандда ҳар икки йилда мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур мусиқа анжумани дунё халқлари ўртасидаги ўзаро дўстлик ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатини ривожлантириш, тили, маданияти, урф-одатлари турлича бўлган миллат ва элатларни эзгу муқаддаслар йўлида бирлаштиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Утган давр мобайнида «Шарқ тароналари» фестивали дунёнинг барча қиъасини қамраб олган йирик мусиқий анжуманига айланди. Фестиваль қамрови ва қатнашчилари сафи тобора кенгайиб бормоқда. 1997 йилда ўтказилган дастлабки анжуманда 31 мамлакат вакиллари қатнашган бўлса, бу галги фестивалда олтинчи яқин мамлакат санъаткорларининг иштирок этиши қўлмолмоқда.

Айни кунларда меҳмонларни қутиб олиш ва концерт дастурларини ижорасида ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишлар ажунланмоқда. Мамлакатимиз санъаткорлари, фольклор ва хореография ансамбллари фестивалга қизгин ҳозирлик кўрмоқда.

Фестиваль санъаткорларнинг ижодий изланиши, ўзаро фикр ва таъриба алмашишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Анжуман доирасида ўтказилаётган турли маданий тадбирлар бунинг учун кенг имконият яратяди. «Шарқ мусиқа аънавалари замонавий маданият тизимида» мавзусида илмий конференция ўтказилди. Самарқанддаги тарихий обидлар, зиёратгоҳлар, музейлар ва истиқлол йилларида бўлиб ўтилган замонавий иншоотларга савҳатлар уюштирилди.

Тадбирда фестивалга тайёргарлик жараёни ҳақида атрофлила маълумот берилди. Журналистларнинг савол-ларига жавоб қайтарилди.

А.САМАДОВ,
ЎЗА мухбири

Таълим

ТЎЛА ТАЪМИРДАН
ЧИҚАРИЛДИ

Ўқувчиларнинг замон талабларига мос ҳолда қурилган биналарда таълим олишларига эришиш, уларни керакли воситалар билан таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Тошкент Автомобиль-йўллар институти қошидаги Учтепа академик лицейида ҳам айни пайтда янги ўқув йилига капитал таъмирлаш ишлари қизғин олиб боришмоқда. Қайта таъмирдан чиқаётган ўқув биносига ташрифимиз давомида қурувчилар билан биргаликда академик лицей жамоасининг ҳам жонбозлик билан меҳнат қилаётганига гувоҳ бўлдик. Ўқитувчилар ўз ўқув хоналарини таъмирлаш жараёнига етарлича ҳисса қўшмоқдалар.

— Ўқув муассасамизда кенг қамровли таъмирлаш ишлари олиб боришмоқда, — дейди Учтепа академик лицейи директори Фарҳод Холсаидов. — Ёш авлод таълим-тарбияси, касб-ҳунар эгаллаши, вояга етмаганларга алоҳида эътибор кўрсатиш, ўқитиш ва тарбиялаш учун шарт-шароитларни яратиш-

га ҳаракат қилмоқдамиз. Асосий мақсад ёшларни ҳар томонлама илмий, доно, изланувчан, зукко ва интилувчан тарзда камолга етказишдан иборатдир. Янги ўқув йилида шинам ва кўркам кўринишда ўқувчиларни бағрига қорлаётган таълим масканимиз келажакда ёш авлод таълим-тарбиясига салмоқли ҳисса қўшади.

Учтепа академик лицейи аниқ фанлар, иқтисодий-гуманитар ва хорижий филология фанлари йўналишларида ёшларга сабоқ беради. Ўқув муассасасида ўқувчиларнинг билим олишлари учун барча шароитлар яратилган, компьютер ва лингафон хоналари, физика, кимё, биология лабораториялари жаҳон стандартларига жавоб берадиган ускуналар билан тўлдирилган. Икки юз ўринли ошхона, етти минг китобга эга кутубхона, юз ўринли очик ва ёпиқ спорт заллари ҳам янги-янги касб этмоқда.

Жонқуяр ўқитувчилар жамоаси ўқувчиларнинг пухта билим олишларида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқдалар.



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМсан, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



ТЕРАН ТОМИРЛАР (1996 йил)

Ер юзида нима кўп – дарахт кўп. Лекин ҳаммамиз ҳам уларнинг номини билвермаймиз. Сахий заминимизда арғувон деган дарахт ўсади. Апрельда худди бошига қирмизи рўмол ўрагандек чаман бўлиб гуллади. Хофиз, Дехлавий, Навоий, Бобур, Фузўлий, Бедил каби шоирлар бу дарахт гуллашидан илҳом олиб, уни гўзал бир бадиий тимсол қилиб кўп шеърлар ёзишган.

Бу табиат мўъжизасининг бошқа жиҳати кўпроқ: агар унинг таналари батамом буталган тақдирда ҳам, томири ерда бўлса, гуллади – танаси, пўстлоқлари чечак отади...

Халқ, миллат ҳам шундай: томири мустақкам бўлса, охири бир кун гуллади! Истиқлол шуни ёрқин кўрсатди, тўлиқ исботлади. Президент Ислам Каримов масалани, ҳар қайси халқнинг илдири қанча мустақкам бўлса, келажиги шунча порлоқ бўлади, деган тарзда муайянлаштирди.

1996 йил бу борада ўзига хос бўлди. Бу йилнинг ўзи бир тарих эди.

Йил давлат сиёсатида миллат ўтмишига эътибор билан бошланди. 3 январда Вазирлар Маҳкамаси Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш тўғрисида қарорлар қабул қилди.

9 январда Ўзбекистонда маълумотларни узатиш Республика компьютер тармоғи – «Узпак» фойдаланишга топширилди.

Январ ойи тадбирларга жуда бой келди. Тошкентда Алишер Навоий таваллудининг 555 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон мустақиллиги ва навоийшунослик истиқболлари» мавзuida илмий-амалий анжуман ўтказилди. Пойтахтимизда Ўзбекистон боксчиларининг биринчи республика спартакиадаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, ижтимоий-оммабоп газетаси – «Инсон ва қонун»нинг 1-сонини нашрдан чиқди. Ўзбекистон Оқоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси (ҳозирги жамоат фондини)нинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий газетаси – «Маҳалла»нинг 1-сонини чоп этилди.

6 февралда Лозанна шаҳридаги Халқаро Олимпия қўмитаси қароргоҳида олимпия ҳаракатини ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Олимпияда олтин ордени топширилди.

9 февралда Бухоро вилоятининг Зафаробод шаҳарчасида Навоий кон-металлургия комбинати билан россиялик шериклар ҳамкорлигида бензин тозаловчи смола ишлаб чиқарадиган янги кимё-технология корхонаси фойдаланишга топширилди. Февраль ойида Осиё – Европа кабелли алоқа магистралининг Ўзбекистон ҳудудидан ўтадиган қисмини қуриш бошланди. Умумий узунлиги 19 минг километрли бу магистралнинг 885 километри Ўзбекистон бўйлаб ўтган (қурилиш 1997 йили аяқланди).

4 март куни Ўзбекистон Республикаси Фавқуллода вазирлар вазирлиги ташкил топди.

1996 йил Ўзбекистонда Амир Темури йили бўлди. Ушбу хайрли ташаббусни бутун жаҳон қўллаб-қувватлади. Йил давомида улуг Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ қўллаб-тадбирлар, эсда қоларли тарихий воқеа-ҳодисалар бўлиб ўтди.

15 мартда Парижда «Амир Темури ва теурийлар тўғрисида илмий асарлар библиографияси» чоп этилди. 9 апрелда Тошкент, Самарканд ва хорижий мамлакатларда ЮНЕСКО раҳбарлигида Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. 20 – 26 апрелда ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида «Теурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мавзuida илмий конференция ва кўргазма бўлиб ўтди. 26 апрелда Амир Темури ордени таъсис этилди. 28 августда Самарканд ва Шаҳрисабз шаҳарларида Амир Темури ордени билан Муҳаммадлар тўғрисида Фармон чиқди.

18 октябрда Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги маросимлари доирасида Тошкентнинг марказида Теурийлар тарихи Давлат музейи тантанали равишда очилди. Самарканд ва Шаҳрисабз шаҳарларида Соҳибқирон Амир Темурига хайкал ўрнатилди. Бу шаҳарларга тантанали равишда Амир Темури ордени топширилди. 24 октябрда пойтахтда «Амир Темури ва унинг ҳаёт тарихида тутган ўрни» мавзuida халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди...

3 апрелда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Давлат акциядорлик уй-жой жамғарма банки – «Ўзўй-жойжамғармабанк» рўйхатга олинди (2005 йилнинг февралидан у «Ипотекабанк»ка айлантирилди).

5 апрелдан Тошкентда республикада биринчи «Ўзинвестлох» инжиниринг компанияси фаолият кўрсата бошлади. «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси (2001 йилдан «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси) ташкил этилди.

16 апрелда Тошкентда Ўзбекистон Республикаси То-вар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг биринчи таъсис қурултоғи бўлиб ўтди. Шу куни Германиянинг Гамбург шаҳрида профессионал бокс тарихида биринчи бор Ўзбекистон вакили – тошкентлик спортчи Артур Григорян жаҳон чемпиони бўлди.

17 апрелда Ўзбекистон ёшларининг «Қамолот» жамғармаси таъсис этилди (2001 йил 25 апрелдан у «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига айлантирилди).

23 апрелда Тошкентда Европа Хавфсизлик ва Ҳам-

корлик Ташкилотининг «Марказий Осиё: ЕХХТ доирасида кенг қамровли хавфсизлик ва минтақавий моҳаролар» мавзuidaги симпозиуми бўлиб ўтди.

25 – 26 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 5-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлиги тўғрисида»-ги қонунлари қабул қилинди.

2011 йили Навоий вилоятининг Кармана тумани ҳудудида Навоий эркин индустриал иқтисодий зонаси барпо этилди. Кейин эса Ангрен ва Жиззахда шундай фаолият олиб борадиган зоналар ташкил топди. Энди бир тасаввур қилиб кўрайлик, агар бундан 17 йил бурун Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»-ги қонуни қабул қилинмаганда эди, бу борада муайян мураккабликлар келиб чиқар, талай масалалар ечимида қийналиб қолган бўлар эдимиз?

26 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси фахрий унвонлари таъсис этилди. Шу куни Ўзбекистон Республика-



27 сентябрда Ўзбекистон Болалар жамғармаси рўйхатдан ўтказилди.

Сентябрь ойи жуда баракали келди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида замонавий ферсол ва ферлит пластик мойи ишлаб чиқарадиган қурилма ишга туширилди. Бухорода Хиндистоннинг «Ларсен Турбо ЛТД» фирмаси қурган 430 ўринга мўлжалланган тўрт юлдузли меҳмонхона очилди. «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси конвейеридан ТТЗ-130 русумли дастлабки тракторлар чиқа бошлади. Асака шаҳрида «Федеречи – Асака макарони» Ўзбекистон – Италия қўшма корхонаси ишга тушди. 5 сентябрда Бухоро вилоятининг Жондор туманида XIII асрда яшаб ўтган халқ қаҳрамони, саркарда Маҳмуд Торобийига хайкал ўрнатилди.

2 октябрда Ўзбекистон Республикаси Ислам конференцияси ташкилотига аъзо бўлди. 8 октябрда Ўзбекистон Банклар ассоциацияси республикада биринчи «Банк-информрейтинг» мустақил рейтинг компаниясини таъсис этди. Тошкент шаҳрида Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Туркия ҳамда Ўзбекистон раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди ва унда Тошкент Декларацияси имзоланди. 24 октябрда ичимликлар ва маъданли сув ишлаб чиқарувчи «Самарканд – Прага» қўшма корхонаси дастлабки маҳсулотларини чиқарди. Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази тузилди.

Октябрда Тошкентда беш юлдузли «Интерконтинентал» меҳмонхонасининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. «Совплатистал» Ўзбекистон – Италия қўшма корхонаси Парижда «Сифат учун Европа Олтин мукофоти»га сазовор бўлди. Бу қўшма корхона қўлга киритган саккизинчи халқаро мукофот ҳисобланади.

28 ноябрда Хивада туркман шоири Махтумқули хайкали очилди. Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида «Кабул – Тўйтепа текстиль» Ўзбекистон – Корея қўшма корхонасининг очилиш маросими бўлди. Шунингдек, ноябрь ойида Тошкентда «Техноинвест» Ўзбекистон – Швейцария қўшма корхонаси ташкил этилди.

3 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ташкил этилди.

Халқ – тарихи билан тирик. Тарихни пухта ўрганмай туриб буюк келажак қуриб бўлмаслиги эса, икки қарра икки – тўрт, дегандек гап. Шунинг учун ҳам Президент Ислам Каримов: «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», – деб таъкидлайди.

1996 йили тарихга янгича муносабат борасида дадил қадамлар ташланди. 13 декабрда «Ўзбекистоннинг янги тарихини» нашрга тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида» қарор қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жаҳон қурилми академияси (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси) қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи» маркази иш бошлади (2000 йили «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош тахририяти шу марказ тайёрлаган «Ўзбекистоннинг янги тарихи»га қирадиган 3-киتاب – «Мустақил Ўзбекистон тарихини» нашр этди).

20 декабрда Ўзбекистон Фанлар академиясида Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ва илмий анжуман ўтказилди.

30 декабрда Қашқадарь вилоятидаги Алан қонида йилига 5 миллиард куб метр газ ва 200 минг тонна конденсат чиқарадиган қуватлар фойдаланишга топширилди. Декабрь ойида Ўзбекистон Фахрийлар кенгаши Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуруний» жамғармасига айлантирилди. Нукусда Қорақалпоғистонда биринчи бизнес маркази очилди. Бухоро вилоятида мармарга ишлов берадиган янги завод ишга туширилди. Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий йўналишдаги «Хуррият» мустақил газетаси чиқа бошлади. Тошкент Давлат юридик институти (ҳозирги университет)-қошида Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази очилди.

Иқтисодда ҳам туб юксалишлар бошланди – Ўзбекистон жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарадиган 28 давлатнинг бирига айланди. Дунёда жами 252 давлат борлигини кўз олдига қўйиб келтирсак, бу ёш мустақил Ўзбекистон учун нақадар катта ютуқ экани аёнлашади. 25 мартда Андижон вилоятининг Асака шаҳрида «Дамас» микроавтобусларини ишлаб чиқариш линияси ишга туширилди. Март ойида «Андижонирмаш» ирригация машинасозлиги заводи негизида енгил автобиллар учун ўриндиқлар ишлаб чиқарадиган «Ўзтонг хонг компани» Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонаси ташкил этилди. 25 июнда «Ўздэуавто» Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонасида «Тико» ва «Нексия» автомобиллари ишлаб чиқарадиган линиялар ишга туширилди. 19 июлда эса «Ўздэуавто» Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонасининг халқаро тақдирот маросими бўлиб ўтди. 8 декабрда Гулистон шаҳрида «Ўздэуавто» қўшма корхонаси ишлаб чиқарган «Нексия» автомобилларини сотиш бўйича биринчи қимомоди савдоси ташкил этилди.

Мана, ўн етти йилдирки, қўчаларимизга машина сиймай кетяпти. Муҳими – уларнинг кўпи ўзимизда ишлаб чиқарилган «Тико», «Дамас», «Нексия», «Матиз», «Ласетти», «Отайл», «Эника», «Спарк»...

Бундай ўзгаришларни ҳаммамиз кўриб, кўпчилигимиз бевосита шу шарофатдан баҳраманд бўлиб турибмиз...

Олим Маҳмудов (Келгуси сонда 1997 йил соқеалари тафсилоти билан танишасиз).



МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

Бировнинг бахти бошқага буюрмайди.

Ўзида йўқ ўзгани кўролмайди.

Ким кунда адашади, ким йилда.

Ақли йўқнинг гапи кўп.

Қайсар ҳатто ўз фойдасига ҳам ён бермайди.

Бировнинг ҳаққига даҳл қилма.

Ақл ҳаётнинг чалкаш ва қоронғи йўлларида чирокдир.

Муомаласи йўқ кишига ҳаётда қийин бўлади.

Инсонни аслида қаноатсизлик енгади.

Ишнинг то бир йўли топилгунча.

Ўзини дўст кўрсатиб, душманининг ишини қилиб юрадиганлар ҳам бор.

Бировнинг кўзини очиш савоб.

Кишининг сўзи ва иши қимлигидан далолат беради.

Йўлингни очадиганлар ҳам, тўсадиганлар ҳам бор.



Ўзгидромет
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 1 август куни ҳаво вақти-вақти билан ўзгариб туради, ёнғарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шимол эсади. Ҳарорат кечаси — 23-25, кундузи — 40-42 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 1 август ва 2 августда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратилди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.

